Ким икки «салқин» намозни ўқиса, жаннатга киради», дедилар

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким икки «салқин» намозни ўқиса, жаннатга киради», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам «икки салқин вақтдаги намоз»га, яъни бомдод ва аср намозларига алоҳида аҳамият беришга тарғиб қилдилар. Кимда-ким бу икки намозни ўз вақтида, жамоат билан ва барча ҳақларини адо этган ҳолда ўқиса, бу намозлар унинг жаннатга киришига сабаб бўлиши ҳақида хушхабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4198